

Рамзан Қодиров шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қабрларини зиёрат қилди



15:30 / 27 май 1275

Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодиров икки давлат – Ўзбекистон ва Россия давлатлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтадиган йиғилишда қатнашиш учун Тошкентга ташриф буюрди.

Чеченистон Республикаси раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов самимий кутиб олди.

Ташриф давомида Рамзан Қодиров Чеченистоннинг Биринчи Президенти, Россия қаҳрамони, марҳум Аҳмад хожи Қодиров таҳсил олган муборак маскан бўлгани эътиборидан ҳам чеченлар Ўзбекистонни илиқ қабул қилишини таъкидлади.

«Қадим замонлардан буён халқларимиз бир-бирига қардош-дўст бўлиб келган, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас», - деди Чеченистон раҳбари.

Рамзан Қодиров мамлакатимизга ташрифи давомида «Кўкча» даҳасидаги «Шайх Зайниддин» қабристониди бўлиб, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг қабрларини зиёрат қилди. Зиёрат асносида Қуръони Карим тиловатидан сўнг хайрли дуолар қилинди.

Манба: grozny-inform.ru